



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

№ 16 (729) 31.08.2023 | ۱۶.۰۲.۱۶۶۵

Истиқлол шукуҳи, шукронаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрами янги тарихимиздаги энг улуғ санадир. Бундан 32 йил муқаддам **1991 йили 31 август** куни халқимиз ўз Ватани, тақдири ва келажагига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Жаҳон харитасида Ўзбекистон Республикаси — янги суверен мустақил давлат пайдо бўлди. Ўтган қисқа вақт давомида мамлакатимизда инсонга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, бахт-саодати давлат сиёсати ҳамда фаолиятининг энг устувор мақсадига айланди.

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеалар, хусусан, **янгиланган Конституциямизнинг** қабул қилиниши она юртимиз халқлари ҳаётида катта воқеа бўлди.

Асосий қомусимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати энг олий қадрият деб белгилаб қўйилгани бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини ташкил этмоқда.

Яхшиликка чақириш



Давлатимиз томонидан халқимизга хос юсак диний қадриятлар улуғлаб келинмоқда. Мамлакатимиз мусулмонлари диний, маърифий қадриятларимиз қайта тикланаётгани мисолида бу ҳолатга шохид бўлмоқдалар.

Шу юртда туғилиб жаҳон цивилизациясига беназир ҳисса қўшган буюк алломаларимиз, пиру комилларимизнинг қолдирган диний ва илмий мерослари тикланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Уларнинг таваллуд саналари халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда. Улар абадий қўним топган табаррук қадамжолар гўзал зиёратгоҳларга айлантириляпти.

Юртимизда Ислом цивилизацияси маркази, “Имом Бухорий”, “Имом Термизий”, “Имом Мотуридий” халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва

“Мир Араб” олий мадрасаси ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги баъзи масжид ва мадрасаларда кенг қўламли қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Замон талабларига жавоб берадиган юзга яқин янги масжидлар қурилиб, намозхонлар ихтиёрига топширилди.

Жорий йилда **15 мингдан** зиёд юртдошимиз муборак **ҳаж** сафарини ҳамда **35 мингдан** зиёд ватандошларимиз **умра** зиёратини адо этиб қайтдилар.

Бугун юртимизнинг қайси бир ҳудудига борманг, юртдошларимиз кўзида мустақиллик шукуҳи, бугунги дориламон кунларнинг шукронасини кўрасиз.

Илоҳим, юртимиз тинч, халқимиз янада маърифатли, ҳаётимиз фаровон, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Муҳаммадбобур ЮЛДАШЕВ,
Дин ишлари бўйича қўмитанинг диний-маърифий таъкилотлар ва илмий марказлар бошқармаси бош мутахассиси

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 10 август. Тошкент шаҳридаги “Шайх Зайниддин” жоме масжиди мажлислар залида пойтахтимизда фаолият юритаётган имом-хатиблар учун маърифат соати ўтказилиб, тадбир сўнгига фаол ва жонкуяр имом-хатиблар ташаккурнома билан тақдирланди.

✓ 14 август. Гулистон шаҳрида Ўзбекистон мусулмонлари идораси “Қуръон ва тажвидни ўргатиш” бўлими мудир Шайх Алижон қори Ҳайдаров иштирокида Сирдарё вилояти имом-хатиблари учун тажвид дарси бўлиб ўтди.

✓ 17 август. “Йил имоми — 2023” кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи Олтиариқ туманидаги “Полосон” масжидида бўлиб ўтди.

✓ 18 август. Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Ташқи ишлар вазири Мурат Нуртлеу бошчилигидаги делегация “Ҳазрати Имом” мажмуасини зиёрат қилди.

✓ 18 август. Мисрнинг етакчи “Сада ал-Балад” ахборот агентлиги веб-сайтида “Ўзбекистон очик маълумотлар рейтингига дунё бўйича 30-ўринга кўтарилди” сарлавҳали мақола инглиз тилида эълон қилинди.

✓ 18 август. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар Юнусобод туманидаги “Жобир ибн Абдуллоҳ” жоме масжидига ташриф буюриб, жамоат билан жума намозини адо этди.

✓ 19 август. Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги “Чорғумбаз” жоме масжидида имом-хатиб ва имом ноиблари ўртасида “Йил имоми—2023” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

✓ 20 август. “Вақф” жамоат фонднинг Андижон вилояти филиали Олтинқўл туманидаги боқувчиси йўқ, етим, моддий кўмакка муҳтож 20 нафар ўғил-қизга янги ўқув йили учун мактаб формаси, ўқув қуроллари ва сумкаларини хайрия қилди.

✓ 21 август. Бухоро вилоятидаги “Мир Араб” олий мадрасасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Дин ишлари бўйича қўмита ҳамкорлигида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди. Унга юртимизнинг 219 туманидан бош имом-хатиблар ташриф буюришди.

Шукр қилиш — улуғ фазилат

Ислом таълимотида неъматларга шукр қилиш улуғ фазилат ҳисобланади. Бақара сурасининг 152-оятда марҳамат қилинади: **«Мени зикр қилинг, сизни эсларман. Ва Менга шукр қилинг, куфр қилманг».**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло бандаларига ўзини эслашни амр қияпти. Хўш, Аллоҳ ожиз бандаларининг эслашига муҳтожми? Йўқ, У — беҳожат Зот. Ҳамма бандалар муҳтождир. Лекин бу амр бандаларга яхшилик етиши учундир. Улар Аллоҳни зикр қилиб, эслаш билан Аллоҳ таоло уларни зикр қилишига, эслашига эришадилар. Албатта, зикр билан зикрнинг фарқи бор. Ожиз банданинг эслаши қайда-ю, оламларнинг Парвардигори бўлган Аллоҳ таолонинг эслаши қайда!

Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Эй одам боласи! Агар Мени эсласанг, Мен ҳам сени эслайман. Агар Мени кўпчилик ичида эсласанг, Мен сени фаришта-лар ичида эслайман”** (Имом Бухорий ривояти).

Шукр қилиш неъмат берувчи Зотга мақтов сўзларини айтиш ва неъматни Унинг розилиги учун ишлатиш билан бўлади. Аммо тили билан шукр деса-ю, амали билан Аллоҳнинг айтганидан бошқани қилса, куфрони неъмат қилган бўлади. Мўмин-мусулмон киши доимо Аллоҳни зикр этиб, унга шукр қилгандагина, ишида унум ва барака бўлади.

Абу Бакр розияллоху анхудан ривоят қилинади: **“Набий соллаллоху**

алайҳи ва саллам бир хурсандчилик иш ёки суюнчилик хабар келса, Аллоҳга шукр қилиб саждага йиқилар эдилар” (Имом Абу Довуд ривояти).

Ҳар бир неъмат учун Аллоҳга шукр қилиш мўминнинг бурчи ҳисобланади.

Аъроф сурасининг 10-оятда: **«Батаҳқиқ, Биз сизларга Ер юзида имкон бердик ва унда маишат (воситалари) қилдик. Жуда оз шукр этасизлар»**, дейилган.

Ушбу ояти карима ўзида чексиз ҳақиқатни, воқеликни муҷассам қилган. Ер юзида инсонга яшаш имконини бериш — осон иш эмас. Бу имконни яратиш учун қанчадан-қанча бир-бирига боғлиқ ишлар амалга оширилган.

3-бетда

Нега кеча кундуздан муқаддам зикр қилинди?

“

«Бас, тунга киришингизда ҳам, тонгга киришингизда ҳам Аллоҳни поклаб ёд этинг. Осмонлару ердаги ҳамду сано Уникидир. Оқшомда ва пешинда ҳам (поклаб ёд этинг). У ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарур ва ерни ўлимидан кейин тирилтирур. Шунга ўхшаш, сиз ҳам чиқарилурсиз» (Рум сураси, 17–19-оятлар).

Баъзи муфассирлар: «سبحان الله» (Субҳаналлоҳ)дан намоз ирода қилинган ва бу оятда беш вақт намозга ишора бор», дейдилар. Айрим

муфассирлар эса: «سبحان الله» (Субҳаналлоҳ)дан мурод Аллоҳ таолони ҳар қандай ноқис сифатлардан поклаб ёд этишдир», дейдилар. Имом Розий раҳматуллоҳи алайҳ «Тафсирур Розий»да шу иккинчи тафсири кувватли деганлар.

Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибонлик қилиб «тасбеҳ» айтишни баъзи вақтларгагина татбиқ этди. Инсон дунёда яшар экан, ейиш, ичиш, касб қилиш каби ишларга муҳтож бўлгани учун барча вақтини зикрга сарфлашга имкон тополмайди.

Оятда яна бир нозик нукта бор: Аллоҳ таоло кечани кундуздан муқаддам зикр қилди. Чунки каломнинг аввалида ҳам, охирида ҳам охират, қайта тирилтиришнинг зикри келди. Кечаси ҳам охир ҳисобланади. Охиратни эслатиш учун ҳам охирни зикр қилмоқда.

Бу дунёда доимий равишда ўликдан тирик, тирикдан эса ўлик чиқиб туради. Ҳар бир сонияда қандайдир ўсимлик қурийди, бошқаси уруғдан чиқади. Кимдир ўлади, кимдир туғилади. Аллоҳ таоло марҳамат қилди: «Шунга ўхшаш, сиз ҳам чиқарилурсиз». Бунинг маъноси: ўлиб ётган ер ёмғирдан кейин тирилгани каби сиз ҳам ўлганингиздан кейин қайта тирилтирилиб, қабрингиздан чиқариласиз. Бу иш ўлик ерни ёмғир ила тирилтирган Аллоҳ таоло учун жуда осондир. Шундай экан, ўша кунга ҳозирдан тайёргарлик кўраверинг. Атрофга ибрат кўзи билан қараган киши Аллоҳ таолонинг комил сифатларига далолат қилувчи жуда кўп оят, белгиларни кўради.

Авазбек ЖУМАБОВЕВ,
«Қўқалдош» ўрта махсус
ислом билим юрти мударриси



Қуръонни ўрганамиз



500 йиллик тарихга эга «Мир Араб» олий мадрасаси таркибида «Қуръони карим ва тажвид» курси очилгани юртимиздаги кўплаб мўмин-мусулмонларни хурсанд қилди. Курсга нафақат бухоролик,

Жуда ҳам муҳим

Қуръон ошиқлари

балки юртимизнинг турли ҳудудларидан Қуръон шайдолари келиб таълим олмақда. Улар орасида ёши улугъ ҳамюртларимиз ҳам борки, уларнинг ихлоси, муҳаббати ва ғайрати таҳсинга сазовор.

Мазкур таълим муассасасидаги «Қуръони карим ва тажвид» курсида таҳсил олаётган навоийлик Ҳазрат бобо Султонов (84 ёшда) гуруҳда аълочилардан. У Навоийдан қарийб 100 километр масофани босиб келади. Дарсларда фаол қатнашади. Бўш вақтларида қўшимча дарс олишга ҳаракат қилади.

Ана шундай фаол тингловчи-

лардан яна бири андижонлик Абдулазиз бобо Дехқонов (66 ёшда) айнан «Мир Араб» олий мадрасасида очилган «Қуръони карим ва тажвид» курсида ўқиш учун Андижондан Бухорога келиб, ижарада яшаб, курсни муваффақиятли тамомлагач, сертификат олди.

Илм олишга ҳарис бўлган отахон шу билан тўхтаб қолмай, мустақил равишда Қуръони каримни тажвид қоида-сига тўлиқ риоя қилган ҳолда бошидан охиригача ўқишга киришди. Каломуллоҳнинг охириги беш порасини Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида хатм қилишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, Хоразм вилоятидан келган 73 ёшли Ражаб бобо Рўзमतов ҳам Каломуллоҳга бўлган муҳаббати, кучли иштиёқи билан ёшларга намуна бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир», деганлар. Шундай экан, мўмин киши туғилганидан то сўнгги нафасигача илм талаб қилиши лозим. Зеро, илм икки дунё саодатига эришиш калитидир.

Баҳриддин ХУШБОҚОВ

Ким бугунига эътиборли бўлмаса...

Ўтмишда яшаган ҳукмдорлардан бири салтанатини бой берганда, онаси унга бундай деган: «Эркакларча ҳимоя қила олмаган мулкингга энди аёллардек йиғлайвер!» Ҳа, таназзул саҳнасининг охириги томошаси йиғлашдир. Сўнг-ра кураш майдонида бошқа қаҳрамон пайдо бўлади.

Таназзул ихтиёрий нараса эмас. Аксинча, дақиқ қонунлар асосида содир бўлувчи ҳодисадир. Агар таназзулга учрамай десангиз, қуйидагиларга эътиборли бўлинг:

— ўтиб кетган шон-шавкат билан яшаманг. Порлоқ ўтмиш бугунги қоронғи кун учун ярамайди. Ким бугунига эътиборли бўлса, ўзидан

буюк тарих қолдиради. Ким ўтмишига махлиё бўлиб қолса, бугунини қўлдан бой беради. Устига-устак, келажакни ҳам барбод этади;

— таназзулга учрамаслик учун хато қилмасликнинг ўзи етарли эмас. Гоҳида у хатонгиз учун эмас, тўғри иш қилмаганингиз учун содир бўлади;

— мусобақада ғолиб бўлиш учун югуришнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки бошқалардан тезроқ югуришингиз керак. Ҳаёт қонуниятлари шуни тақозо этади. Биз жуда катта мусобақада иштирок этапмиз. Давлатлар, ширкатлар, муассасалар ва шахслар кўринишида.

Ортда қолдингиз дегани, ихтиро қилмаганингиз, ривожланмаганингиз, ўзгаришлар билан бирга ўзгармаганингизни англабмайди. Аслида бошқаларнинг ихтиро қилгани, тараққийлашгани, ўзгаришлар билан бирга ўзгаргани орқанда қолганингиз учун етарли сабабдир. Биз ҳаётда ўзимиз билан эмас, ўзгалар билан мусобақалашамиз; — ҳаёт боксга ўхшайди. Унда битта қоида бор: мушт туширасан ёки муштни қабул қилиб олсан! Ҳеч ким курашнинг охиригача ўзини ҳимоя қила олмайди. Ҳимоя қилган тақдирда ҳам, албатта, очколар ҳисобида мағлуб бўлади. Энг яхши ҳимоя ҳужумдир;

— ё сиз бошқаларни банд қилиб қўясиз, ё сизни бошқалар машғул қилиб қўяди. Мусобақанинг шартларини унутиб қўйган ширкатлар мағлуб бўлади. Эски чегараларингизни ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, янги чегараларингизга ҳукмронлик қилишни ўрганинг. Бир одам ўзи билан овора бўлиб қолди. Бошқалар билан иши бўлмади. Аммо бошқаларнинг у билан ҳисоб-китоби бор.

Абдулқодир ПОЛВОНОВ,
Самарқанд вилоятидаги
«Урғут» марказий жоме масжиди
ходими

Олийҳиммат бўлишга даъват*

Ҳадис илмининг пешвоси Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Савдода энг зиён кўрган киши шундай кишики, у қўлини орзу-умидлари (га етишиши) йўлида қаритган бўлади. Кунларнинг ўтиши унинг орзуларига (етишишига) ёрдам бермайди. Натижада дунёдан ҳеч нарсасиз (фойдали амалсиз) чиқиб кетади. Аллоҳнинг ҳузурига ҳужжатсиз олиб келинади”**.

Ҳадисдаги **“савдо”** дан мурод умр савдосидир. Зеро, умр, вақт инсоннинг дастмоси бўлиб, уни фойдали нарсаларга сарфлаши керак, фойдасиз орзу-умидларга эмас. **“Икки қўл”** эса инсоннинг бутун танасидир. Пайғамбар алайҳиссалом қиёмат куни умрини орзу-умидлар, дунёвий ҳою ҳаваслар билан беҳуда ўтказиб, вужудини шу ўтқинчи истакларга етишиш йўлида қаритган инсоннинг ҳоли не кечишини таърифлаб бермоқдалар. Ул зот мазкур **“зиён кўрган киши”** деган сўзлари билан ҳақиқий зарар кўриш, зиён-заҳмат чекиш молу дунё ёки мансабу мартаба, обрў-этибордаги зарар эмас, балки ундан кўра олийроқ, қимматроқ бўлган нарсаларда зиён чекиш эканига эътибор қаратмоқдалар.

Қиёматда энг кўп зарар кўрадиган, надомат чекадиган киши орзуларга етиш учун бор кучини сарфлаб, ўзини ўтга-чўққа уриб қийнаган кишидир. Лекин кунларнинг ўтиши у орзу қилган мол-давлат, мансаб, мартаба ва шу каби орзу-умидларнинг амалга ошишига ёрдам бермайди. Балки бунинг акси бўлиб, уни хор қилади. У доим пуч орзулар

ва ёлғон умидларга ишониб яшайди. Бундай кимса Аллоҳнинг ҳикмати тақозо қилмаган нарсаларда ҳам Аллоҳдан умид қилишда давом этаверади. Дунёдан эса куруқ қўл билан кетади. Охиратда унга ёрдам берадиган, қиёматда фойда келтирадиган ва бандалар орасида уни ажратиб турадиган яхши амаллар билан бормайди. Чунки охиратга фойда бўладиган энг яхши амал — ёмон ишлардан сақланиш эди. Бу киши эса қўлини энг қабиҳ ва ифлос нарса билан булғади. Бу нарса орзуларига суяниб юриш эди. Шуни деб солиҳ амални тарк қилиб, ўзини ҳалокатга ташлади. Охир-оқибат қалбини ғафлат зулматлари қамраб олди, қалби қаттиқлашди. Ўтқинчи матоҳлар билан мақсадига эришиш йўлида қилган оворагарчиликлари унга ёрдам бермади, натижада орзу-умидларга кўмилиб қолди. Ниҳоят, ўлим фариштаси уни орзуларидан ажратди. Бу банданинг ҳар бир орзу-умиди, ҳою ҳаваслари фоний дунёга тегишли эди. Мана шу ҳою ҳаваслари уни дунёга боғлаб туради. Ўлим фариштасининг панжалари эса қалбига ниқталиб, у кетишни хоҳламайдиган Охиратга қараб тортади. Чунки у Аллоҳнинг олдида ҳеч бир ҳужжатсиз келади, яъни умрини узр айтишга арзимайдиган даражада арзимас нарсаларга сарфлаб, тубанликда ҳаёт кечирганига афсусланади. Лекин Аллоҳнинг азобидан омон қолишига сабаб бўлувчи, ўзини оқлайдиган бирор ҳужжати, яъни хайрли амали бўлмайди. Аллоҳ таоло айтади: **«Мен жинлар ва инсонларни ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** (Зориёт сураси, 56-оят).

Имом Ғаззолий юқоридаги ҳадисда зикри келган одамнинг умридек умр кечирган кишилар ҳолини

изоҳлаб, бундай дейди: “Кимнинг ҳоли шундай бўлса, у ҳайвондек, балки ҳайвондан ҳам ёмонроқдир. Чунки ҳайвонлар Аллоҳни таниш учун яратилмади. Инсон эса айни шу мақсадда, яъни Раббига ибодат, қуллик қилиш учун яратилди. Ҳайвонлар ўзларига берилган куч-қувват ва шахватлари талабига қараб ҳаракат қилади. Улар мана шу нарса учун яратилган. Шунинг учун ҳайвонлар шахватини бўш қўйиб юборади. Уларнинг ақли ноқислиги ана шу нарсалар билан изоҳланади. Инсон эса ҳайвондан фарқли ўлароқ, ўзига Парвардигор тарафидан берилган бу имкониятдан тўлиқ фойдаланиши, унда қусурга йўл қўймаслиги лозим. Шу маънода бир байт айтилган:

Қурби етиб комилликка, ноқис қилиши,
Энг катта айбидир нафснинг буиши.

Кимда-ким бир ишни мукамал қилишга кучи ета туриб, уни камчилик билан қилса, бу унинг энг катта айби ҳисобланади. Чунки шу ноқислиги туфайли у кўп нарсадан маҳрум бўлиб қолади.

Юқоридаги ҳадисда жуда катта огоҳлантириш ва танбеҳ бор. Неъматлар билан роҳатланиш ва лаззатланишни барча нарсадан устун қўйиш ҳамда узун орзу қилиш солиҳ амалларни тарк қилишга сабаб бўлади. Бу эса мўминнинг сифатларидан ҳисобланмайди. Шу сабабдан “Дунёга ғарқ бўлиш ҳалок бўлувчиларнинг ахлоқидир”, дейилган.

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг
“Икки олам сарвари” асаридан
Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ
таржимаси

Шукр қилиш – улут фазилат

қадрини билиш учун инсон ҳавоси йўқ ёки ҳавоси ифлос жойда бироз турса, кифоя.

Аммо ҳаво ҳар қанча мусаффо бўлмасин, уни қабул этиб турувчи аъзо бўлмаса, бефойда. Хўш, ҳаводан нафас олиб, нафас чиқарадиган, бошқа аъзоларга ўз таъсирини ўтказадиган аъзоларни инсонга ким берди? Албатта, Аллоҳ таоло. Ушбу неъматнинг қадрини билиш учун нафаси қисадиган одамнинг олдида бир оз ўтириш кифоя қилади.

Аллоҳ таоло инсонга Ер юзиде яшаши учун берган бу имконият сон-саноксиз бошқа имкониятларнинг биттаси, холос. Одатда, одам ўзига бирор нарса берган, тухфа этган кишига ташаккур айтиб, ҳурмати жойига қўйишга интилади. Аммо кўплаб инсонлар борки,

шунчалик беҳисоб неъматларни берган Аллоҳ таолога шукр қилмайдилар.

Намл сурасининг 40-оятда: **«Ким шукр келтирса, ўзи учунгина шукр қилур. Ким куфрони неъмат қилса, бас, Раббим беҳожат ва қарамли Зотдир»**.

Шукр қилган банда савоб олади ва Аллоҳ унга берадиган неъматларини янада зиёда этади. Куфрони неъмат қилган одам эса гуноҳкор бўлади ва Аллоҳ ундан неъматларини узиб қўяди. Аллоҳ бандасининг шукр қилишига эҳтиёжсиз, қарамли Зотдир. У неъматларини Ўз қарами ила беради.

Усмонали ОРАЛОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси Жиззах
вилояти вакиллиги матбуот котиби

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Жавобларингизда “Раддул мухтор” деган китобдан кўп келтирасизлар. Шу китобнинг номи ҳақида сўрамоқчи эдим. У “Мухтор” деган олим ёки китобга раддия сифатида ёзилганми?

ЖАВОБ: Йўқ. Китобнинг тўлиқ номи “Раддул мухтор алад дуррил мухтор”. Бу китоб муаллифи ханафий мазҳабининг машҳур олимларидан Аллома Муҳаммад Амин ибн Обидийн Шомийдир. У китоб “Дуррул мухтор” китобининг шарҳи ҳисобланади. “Дуррул мухтор” китоби Аллома Тумуртошийнинг “Танвирул абсор” китоби шарҳидир. Аллома Ибн Обидин Шомий “Дуррул мухтор” машҳур ва манфаатли китоб бўлгани учун жуда кўп толиби илмлар ундан истифода этишларини ҳисобга олиб, уни шарҳлаганини айтади. Китобнинг номи ҳам шундан келиб чиқиб, “Тушунмай лол қолганларни “Дуррул мухтор”га қайтариш” деган маънони англатади.

САВОЛ: Таҳоратдан ортиб қолган сув яроқсиз бўладими?

ЖАВОБ: Таҳоратдан ортиб қолган сув яроқсиз бўлмайди. Балки таҳорат пайтида ювилган аъзодан томган сув яроқсиз бўлади. Идишда таҳоратдан ортиб қолган сувни ичишни ханафий ва шофеъий уламолари мустаҳаб деганлар.

САВОЛ: Қазоларни ўқиётганда шом намозига ният қилинса-ю, билмай, 4 ракат намоз ўқи-са ва охирида саждаи саҳв қилса бўладими?

ЖАВОБ: Йўқ. Чунки шом намозида учинчи ракатдан сўнг қаъдага ўтириш фарздор. Охирги қаъдада ўтирилмаса, намоз дуруст бўлмайди. Шунинг учун сиз айтган ҳолатда шом намозини қайта ўқиш керак. Намоз вожибларидан бири унутиб тарк қилинганда ё фарз ўз ўрнида адо этилмаганида саждаи саҳв қилинади.

САВОЛ: Ўғлим тиззаости суяк емирилиш касаллигидан даволаняпти. Тиззасини букса касаллиги яна кучаяр экан. Шу ҳолда намозини қандай адо қилади?

ЖАВОБ: Ўғлингиз ўзига қулай тарзда қиблага қараб тиззани букмасдан ўтириб, ишора билан намоз ўқиши керак. Узр билан ўтириб ўқиганда, саждага бош қўйиш мумкин бўлмаса, руку учун озроқ, сажда учун (кўпроқ) тизза тўғриси-сига эгилади.

5-бетда

Яхшиликка чақириниш

1-бетда

Авалло, олам инсон ҳаётига мосланган, кейин инсон бу дунёда яшашга мослаштирилган. Бу икки тарафлама мослашишнинг вужудга келишига сабаб бўлган ишлар ҳақида олимлар қанчадан-қанча китоблар ёзганлар ва ёзмақдалар.

Инсон дунёда ўзи учун яратиб қўйилган имкониятларидан ақалли бир нечтасини ўйлаб кўрса, Аллоҳ таолога ҳар қанча шукр қилса, озлигини тушуниб этади. Мисол учун, ҳавони олиб кўрайлик. Маълумки, инсон ҳавосиз яшай олмайди. Аммо ҳаёт учун зарур ҳаво фақат Ерда ва унинг атрофида бор, холос. Ундан юқорига чиқсангиз ҳам, пастга тушсангиз ҳам йўқ. Қолаверса, ҳавони доимо тозалаб, инсонга керакли ҳолга келтириб турувчи омилар, жумладан, дарахтларни ҳам Аллоҳ таоло яратган. Бу неъматнинг

Темир сайёрамизга қаердан келган?

Ҳадид сурасининг 25-оятда бундай марҳамат қилинади: **«Биз ўз элчиларимизни ҳужжат (мўъжиза)лар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон (тарози ёки меъёр) туширдик. Яна, Биз темирни туширдик. Унда қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир...»**.

Олимларнинг айтишича, темир элементини ҳосил қилиш учун жуда катта ҳарорат – тахминан 100 000 000°C керак (бу жараён термо-ядровий реакция деб аталади ва бунинг учун водороддан – гелий ҳосил бўлади ва гелийдан – угле-род – азот – кремний – ва ниҳоят темир элементи). Бундай ҳарорат

ҳатто қуёшда ҳам йўқ. Таъкидлаш жоиз, қуёшнинг ички, яъни ядро-сининг ҳарорати тахминан 1500 000°C бўлса, устки қисмининг ҳарорати – 5000°C.

Фазода олимлар “нова” ёки “супер нова” деб атайдиган гигант сайёралар мавжуд. Айнан уларда темир моддаси ҳосил бўлади. Яъни, ушбу сайёраларда ҳарорат ўта юқорилаб, кучли портлаш юз беради ва ҳосил бўлган темир парчалари фазога тарқаб кетади. Шунинг учун Аллоҳ **«темирни туширдик»** деб марҳамат қилган.

Қаранг, ўн тўрт аср олдин илм-фан ривожланмаган пайтда Қуръонда темирнинг ҳосил бўлиши ва хоссалари зикр қилинган.

Яна бир жиҳат, оятда **«Унда қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир»** дейил-япти. VII асрда инсоният темирдан фақат қурол ва анжомлар яшашда фойдаланган. Чунки темирнинг кўплаб хусусиятлари ҳали кашф этилмаган эди.

Очиғи, темирсиз Ер юзидаги ҳаётни тасаввур қилиш қийин.

Нима учун? Чунки темир бўлма-са, углевод элементлари керакли кимёвий жараёнларда қатнаша олмайди, глобал ҳарорат ошиши юз бермайди, озон қатлами ҳосил бўлмайди. Шунингдек, атмосферадаги ва гидросферадаги қатламлар, Ерни ҳимоя қилувчи магнит майдони, сайёрамизни жуда катта хавфлардан ҳимоя қилувчи рацион белбоғи, гемоглабин, кислородни осон ютадиган моддалар бўлмайди. Тирик организмларда модда алмашинуви юз бермайди.

Абжад илмидан фойдаланиб, “ал-Ҳадид” сўзидаги ҳар бир ҳарф-нинг математик сон билан белги-ланишини инобатга олсак, 57 сони келиб чиқади. Бу эса Ҳадид сура-си Қуръонда 57-рақамда келгани-га ишорадир.

Алиф	1
Лом	30
Ҳе	8
Дол	4
Йой	10
Дол	4
Жами	57

57-сура сураларнинг Қуръондаги тартиби бўйича ўртасига тўғри келади. Бу Ер сайёрасининг

ядроси темирдан ташкил топгани-га далолат.

Фақат “ҳадид” сўзини ҳисобла-сак, 26 сони келиб чиқади. Бу эса темир элементининг даврий жад-валда 26-рақамдалигини эсга со-лади. Қолаверса, ушбу сурада Ал-лоҳ сўзи 26 марта такрорланган.

Ҳе	8
Дол	4
Йой	10
Дол	4
Жами	26

Темирнинг эриш ҳарорати 1500°C, қайнаш ҳарорати 2800°C ҳисобла-нади. Лекин уни буғ ҳолатига ўт-казиш учун қанча ҳарорат зарур? Тасаввур қилиш қийин. Чунки те-мир атомлари ўзаро металл боғла-ри орқали боғланган. Шунинг учун бу боғларни узиб, буғ ҳолатига кел-тириш учун жуда юқори ҳарорат талаб этилади. Ҳозирги кунда шундай сайёралар аниқланыпти-ки, уларнинг усти темир буғлари билан қопланган. Э воҳ, бу қандай ҳарорат? Инсон ақли тушунишга ожизлик қилади.

Камолиддин ВАЛИХАНОВ,
кимё фанлари номзоди

17			
3			
5	Mn	26 Fe	27 Co
	МАРГАНЕЦ	ЖЕЛЕЗО	КОБАЛТ
	54,938	55,849	58,933
35			
4			
44			45

Мусулмон одоби

Ислом – тинчлик ва тотувлик дини. Хусусан, динимизда суннат ҳисобланган саломлашиш бунга далилдир. Салом берувчи “Ассало-му алайкум”, яъни “Мен сизга тинч-лик тилайман”, алик олувчи эса “Ва алайкум ассалом”, яъни “Мен ҳам сизга тинчлик тилайман”, дейди. Бу иборалар орқали жамият аъзо-лари бир-бирларига тинчлик-то-тувлик сўрайдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху-дан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ий-мон келтирмагунча жаннатга ки-ролмайсизлар, ўзаро муҳаббатли бўлмагунингизча (комил) мўмин бўла олмайсизлар. Сизларга бир нарсани ўргатайми? Агар шуни қилсан-гиз, ўзаро муҳаббатли бўласиз: ора-ларингизда саломни кенг ёйинглар!»** деб марҳамат қилдилар (Имом Му-слим ривояти). Демак, саломлашиш мусулмон кишининг ҳаётида ўта муҳим амал ҳисобланиб, иймон-нинг комиллиги ва одамлар ора-сидаги муҳаббатга сабаб бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **«Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратганидан сўнг у кишига: “Анави ўтирган фаришталарнинг олдига боргин-да, салом бер. Сўнг уларнинг сенга берадиган алиги (жавоби)ни**

яхшилаб эшитиб ол, чунки бу сен-га ва сендан тарқаладиган зурри-ётларинг учун саломлашиш бўла-ди!” деди. Одам алайҳиссалом бо-риб, “Ассало му алайкум”, дедилар. Фаришталар: “Ассало му алайкум ва роҳматуллоҳи!” деб алик олишди» (Имом Бухорий ривояти).

Қуръони каримда марҳамат қи-линади: **«... Бас, қачонки, уйлар-га кирсангиз, бир-бирларингизга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак, покиза саломни айтингиз (яъни “Ассало му алайкум” деңг!). Сизлар ақл юргизишларингиз учун Ал-лоҳ ўз оятларини сизларга мана шундай баён қилур»** (Нур сураси, 61-оят).

Ҳақ таоло салом ва унинг жаво-би чиройли суратда бўлиши ҳақи-да бундай дейди: **«Қачон сизларга бирор саломлашиш (ибораси) би-лан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олин-гиз ёки ўша (ибора)ни қайтарин-гиз...»** (Нисо сураси, 86-оят). Ушбу ояти каримадан салом берилган-да унга саломнинг ўзидек ёки ун-дан-да чиройлироқ жавоб қайта-риш лозимлиги келиб чиқмоқда.

Қуйидаги ҳолатларда салом

бериш, алик олиш жоиз эмас: қа-зойи ҳожат ёки ғусл пайтида; на-моз ўқиётган ёки азон айтаётган кишига; уйқуда ёки мудроқ босган кишига; таомланаётган кишига (агар луқма оғзида бўлмаса, салом бериш мумкин. Саломга жавоб қи-лиш эса вожиб бўлади); Қуръон ти-ловат қилаётган кишига (мабодо, салом берилса, унга жавоб қилиб, сўнг тиловатни давом эттиради); дуо қилаётган ёки талбия (лаббай-каллоҳумма) айтаётган эҳромда-ги кишига.

Жаннатда фаришталарнинг мў-минларга хитоби ҳам “салом” ҳи-собланади. Каломуллоҳда бун-дай дейилади: **«(У) абадийлик боғлари бўлиб, (улар) у жойларга ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан иборат солиҳ (банда)лар билан бирга кирур-лар. Сўнг уларнинг ҳузурлари-га ҳар (бир) эшикдан фаришта-лар кириб (дерлар): (Аллоҳ йўли-да турли машаққатларга) сабр қи-либ ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга салом (тинчлик) бўлғай. Дунё оқибати (жаннат) нақадар яхши!»** (Раъд сураси, 23-, 24-оятлар).

Саломлашишда салом берув-чига тегишли бир қанча одоблар бор:

– “Ассало му алайкум” деб тў-лиқ ва чиройли шаклда салом бе-риш лозим. “Ассало му алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ” деб айтса, янада яхши. Унинг ўрнида бошқа сўзларни қўллаш саломла-шиш одобига зиддир;

– киши доимо аввал салом бе-ришга интилиши керак. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алай-ҳи ва саллам бу борада чирой-ли намуна бўлганлар. У зот йў-лиққан ҳар бир кишига бирин-чи салом берганлари ҳадислар-да келтирилади;

– инсонларнинг ҳолатларига қараб ҳам ким кимга салом бе-риши кераклиги баён қилинган. Масалан, уловдаги киши пиёдага, пиёда ўтирганга, ёшлар катталар-га, озчилик кўпчиликка ва юқори мавқедаги киши пастроқ мавқе-дагига аввал салом бериши фази-лат ҳисобланади.

Абдувоҳид АҲМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази мутахассиси



Ёлғончиларни аяб ўтирмас эди...

Яҳё ибн Маин раҳматуллоҳи алайҳ ҳаёти, куч-ғайратини илм олиш ва ўргатишга бағишлади. Ҳадис илмида бе-назир, тақводор, раббоний олим ҳамда кўплаб муҳаддисларнинг устози бўлиб етишди.

Яҳё ибн Маин ибн Авн Зиёд ҳижрий 158-йили Аббосий халифаларидан Абу Жаъфар Мансур даврида, Ироқнинг Анбор шаҳрида дунёга келди (*“Тариху Бағдод”*). Куняси: Абу Закарийе (*“Ал-асмо вал лугот”*).

Отасидан қолган катта меросни илм йўлида, ҳадис эшитишга сарфлади. Ҳатто оёқ кийимидан бошқа ҳеч нарсаси қолмади (*“Ал-асмо вал лугот”*).

Илм талабида Ҳижоз, Шом, Миср ҳамда Яман шаҳарларига борди. Жуда кўп муҳаддис ва алломалар билан учрашиб, тенги йўқ илм соҳибига айланди.

Мутафаккир Абдуллоҳ Ибн Му-борак, Ҳушайм, Исмоил ибн Айёш, Аббод ибн Аббод, Исмоил ибн Мужолид ибн Саид, Мўтамир ибн Сулаймон, Суфён ибн Уяйна, Ғундор, Ҳафс ибн Ғиёс, Вакиъ, Яҳё ибн Қоттан, Ибн Маҳдий ва бошқа кўплаб ҳадис шайхларидан дарс эшитди.

Олим аҳли сунна ва жамоа этиқодида бўлса-да, у яшаган даврда фитналар урчиб, “Қуръони каримни махлуқ” дейиш авж олганди. Шунга кўра, баъзилар Яҳё ибн Маин ҳам “Қуръони каримни махлуқ” деб айтган дея тухмат қилдилар. Аслида, “Қуръони карим Аллоҳнинг каломи, у махлуқ эмас”, дея ўз этиқодини очиқ билдирган (*Миззий. “Таҳзибул камал”*).

Аббос Дурий айтади: «Аҳмад ибн Ҳанбални Ровҳдаги мажлисида кўрдим. У Яҳё ибн Маиндан турли масалалар ҳақида сўради: “Бу ҳадисга нима дейсиз?” “Бу ҳадиснинг ҳукми қандай?” дея маълумотларини текшириб оларди. Агар Яҳё тасдиқласа, Имом Аҳмад уни ёзиб оларди».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллох: “Яҳё билан бирга ҳадис

эшитиш кишига сурур бағишлайди”, деган (*“Тариху Бағдод”*). Яна бундай дерди: “Яҳё ибн Маин билмаган ҳадис – ҳадис ҳисобланмайди” (*“Ал-асмо вал лугот”*).

Аҳмад ибн Уқба раҳимахуллох айтади: «Яҳё ибн Маиндан: “Қанча ҳадис ёзгансиз?” деб сўрадим. У киши: “Мана шу қўлларим билан 600 мингта ҳадис ёзганман”, деди».

Ҳорун ибн Маъруф раҳимахуллох бундай дейди: «Бир куни ҳузуримизга ҳадис олимларидан бири келди. Ундан ҳадис айтиб беришини илтимос қилдик. У китобини кўлига олган пайт эшик тақиллади. Шайх у ким эканини сўради. “Аҳмад ибн Ҳанбал”, деган жавоб бўлди. Киришга рухсат берилди. Шайх жойидан қимирламади. Шу тариқа Аҳмад Даврокий, Ибн Румий, Абу Хойсамалар ҳам изн сўраб киришди. Шайх бамайлихотир ўтирарди. Сўнгра яна эшик тақиллади. Шайх келган ким эканини сўради. “Яҳё ибн Маин” деган жавоб бўлди. Шу пайт шайхнинг қўллари қалтираб, китоби ерга тушиб кетди” (*“Тариху Бағдод”*).

Абу Бакр Асрам раҳимахуллох айтади: «Бир куни Аҳмад ибн Ҳанбал Яҳё ибн Маинни Маъмарнинг китобидан мавзў – тўқима ҳадисларни ёзиб олаётганини кўрди ва қаттиқ ажабланди. Шунда Яҳё ибн Маин: “Мен буларни тўқима ҳадис эканини жуда яхши биламан. Бироқ кимдир бу мавзў ҳадисларни айтган ровийларни менга мақтаб, собит қилмоқчи, қабул қилмоқчи бўлса, “Ёлғон айтибсан”, дея олишим учун ҳам уларни яхши таниб олишим керак”, деди» (*Миззий. “Таҳзибул камал”*). Шу боис Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллох: “Ичимизда Яҳё ибн Маин ҳадис ровийларини энг яхши биладиганимиз”, деган.

Муҳаммад ибн Ҳорун Фаллос айтади: “Агар бирор киши Яҳё ибн Маин ҳақида ёмон сўз айтса,

билингки, ўша одам ёлғончи ва тўқима ҳадис айтиб юрадиган кимсадир. Чунки улар Яҳё ибн Маинни ана шундайларни очик-ойдин гапиргани учун ёмон кўришади” (*“Сияру аълам ан-нубало”*).

Яҳё ибн Маин Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадислари ҳимоячиси, уларни саҳиҳидан тўқимасини ажратиб олиш учун тўқима ҳадис айтиб юрадиган кимсаларни аяб ўтирмасди. Лекин ўзи олижаноб, инсонларга нисбатан бағрикенг олим эди. Яҳё ибн Маин ўзи ҳақида бундай дейди: “Кимдир хато қилаётган бўлса, дарҳол яширдим. У ҳақда яхши гумонда бўлишни хуш кўрдим. Бирор кишининг рўпарасидан у ёмон кўрадиган нарса билан чиқмадим. Лекин хатоси бўлса, ўзаро орамизда билдириб қўйдим. Агар қабул этса, менинг фойдам теккани, қабул қилмаса, ўз ҳолига қўярдим” (*“Таҳзибул камал”*).

Яҳё ибн Маиндан замондош ва яқин дўстлари Аҳмад ибн Ҳанбал, Муҳаммад ибн Саъд, Абу Хойсама, Ҳаннод ибн Сарий; яна Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Абу Зуръа, Абу Ҳотим, Ҳанбал ибн Исҳоқ, Жаъфар Фиребий ҳамда Абу Яъло Мавсилиий каби олимлар таълим олиб, ҳадис ривоят қилдилар (*“Сияру аълам ан-нубало”*).

Яҳё ибн Маин ҳижрий 233 санада, Зулқайда ойида 75 ёшида Мадинада вафот этди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни дафн этишда қўйилган ўриндиққа уни ҳам ётқиздилар. Ўшанда: “Мана, бу Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларини ёлғондан ҳимоя қилган зотдир!” дея жар солдиришди ва Бақиъ қабристони-га дафн этишди.

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти “Ҳадис ва Ислом тарихи” кафедраси ўқитувчиси Нилуфар САИДАКБАРОВА тайёрлади.

Тафаккур

Кема қачон ғарқ бўлади?

Инсон Аллоҳ буюрган амалларни адо этиб, қайтарган нарсаларидан сўзсиз қайтса, дунёсини ва охиратини обод қилган бўлади. Дунё улкан дарё бўлса, унда сузиб кетаётган кема инсондир. Кеманинг ичига сув кирмаса, у кўзланган манзилга эсон-омон етиб олади, акс ҳолда дарёга ғарқ бўлади. Яъни, дунё матоҳи қанча кўп бўлса ҳам, қалбга кирмаса, уни ўзгартирмаса, банда учун фойдали ва манфатли ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: «**Мол-мулк, фарзандлар дунё ҳаётининг зийнати-дир**» (*Каҳф* сураси, 46-оят). Моддий

бойликлар зарурий эҳтиёж туфайли қидирилмоғи, кам бўлса, сабр қилур. Фарзандлар ҳам савоб амаллар ва ибодатдан тўсмаса, ота-онасига бу дунёда зийнат, охиратда фойдасига хужжат бўлади.

Моддий ҳаётимиз тўқис бўлмаса, ҳаловатни йўқотмаслигимиз, тушқунликка тушмаслигимиз ва шикоят қилмаслигимиз керак. Зеро, ризқ берувчи Аллоҳдир. Охиратни эслаб, уни кўз олдимизга келтирсак, оз дунё учун ҳисоб ҳам енгил бўлишини, сабрнинг мукофоти борлигини ёдда тутсак, мол-дунё

қайғуси беҳуда экани аён бўлади.

Хуллас, инсон ҳаёт йўлида Аллоҳ ато этган улуғ неъмат – ақл йўлбошчи бўлмаса, шайтон ва нафс ёмонликлари унинг қалбини эгаллаб олади. Ҳар биримизга оламга тафаккур кўзи билан боқиб, атрофимизни ўраб турган нарса ва ҳодисалардан тўғри хулоса ва ибрат олиб яшаш насиб этсин.

Ўрол ТЎРАЕВ,
Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани “Имом Раббоний” жоме масжиди имом-хатиби

Масала

3-бетда

САВОЛ: Мўминдан ортиб қолган таом бошқа бир мўминга шифоми?

ЖАВОБ: Уламоларимиз бир мўминдан ортиб қолган таомни иккинчи бир мўмин еса, кибрга даво бўлади дейишади.

САВОЛ: Ғул қилгандан сўнг қўлимга бўёқ текканини кўрдим, яна ғул қиламанми?

ЖАВОБ: Баданнинг бирор жойига бўёқ ёки елим тег(иб, остига сув ўтказмайдиган бўл)са, уни кетказиб, кейин таҳорат, ғул қилиш керак. Ғул ёки таҳоратдан кейин танасининг бирор жойида бўёқ ёки елим ёпишганини кўрган кишига бу нарсаларни кетказиб, ўша жойининг ўзини ювиши кифоя. Ғул ёки таҳорат қайта қилинмайди.

САВОЛ: Танишимнинг ғишт заводи бор. “Менга ўн миллион сўм берсанг, ҳар бир дона ғишт учун 10 сўмдан фойда бераман”, деяпти. Шу иш шаръан жоизми?

ЖАВОБ: Йўқ, жоиз эмас. “Фойданинг бир қисми улуш этиб белги-ланмасидан, маълум бир миқдор берилишини айтиш билан шериклик дуруст бўлмайди” (*“Ҳидоя”, “Музораба китоби”*).

САВОЛ: Эр талоқни шунчаки кўрқитиш учун айтса ҳам талоқ тушаверадими?

ЖАВОБ: Талоқ сўзи очиқча айтилса, мақсад нима бўлишидан қатъи назар, талоқ тушади. Ният этиборга олинмайди.

САВОЛ: Оилам билан бондод намозини жамоат бўлиб уйда ўқиймиз. Мен имомликка ўтаман. Баъзи вақтларда намозни ўқиб бўлиб, таҳоратим синганини билиб қоламан. Шунда менга эргашганларни намози ҳам бузиладими?

ЖАВОБ: Ҳа. Чунки муқтадийларнинг намози имомнинг намози дуруст бўлса дуруст, фосид бўлса фосид бўлади. Имомнинг намози бузилса, муқтадийнинг намози ҳам бузилади.

7-бетда

Баъзида бермагани бергани бўлади

Ироқ фатҳида Форс кисроси Яздажирнинг қизи асир тушди. Кейинчалик у Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиққа турмушга чиқди. Малика бу никоҳдан Қосим исмли ўғил кўрди. Боланинг ота тарафдан бобоси Абу Бакр Сиддиқ, она тарафдан бобоси Форс кисроси эди.

Али розияллоху анху Муҳаммад ибн Абу Бакрни Миср волииси этиб тайинлади. Муҳаммад бурчини бажариш учун оиласи билан Мисрга кўчиб ўтди.

Муовия ибн Абу Суфён Мисрга қўшин юборди. Дайди ўқ форс маликасининг ўлимига сабаб бўлди. Муҳаммад ҳам жангда оғир жараланди. Вафоти олдидан ўғли Қосимни акаси Абдурахмон ёки опаси Ойша розияллоху анҳо қарамоғига беришларини васият қилди.

Қосим Ойша розияллоху анҳонинг уйида ўн бир йил яшади. Сўнг-ра Абдурахмон ибн Абу Бакрнинг қарамоғига ўтди. Амакиси Қосимни Абдуллох ибн Аббос, Абдуллох ибн Умар ва Абдуллох ибн Зуйбарнинг таълимига берди.

Кун келиб Қосим ибн Муҳаммад Мадинаи мунавваранинг етти уламосидан бири бўлди. Одамлар ундан таълим ола бошлашди. Дарсларнинг бирида у бундай деди: «Бугун “ихтиёр фикҳи” ёки уламолар атамасидаги “авлавият фикҳи” ҳақида сўз юритамиз. Ойша розияллоху анҳо менга бундай ривоят қилди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Эй Ойша, агар қавминг Исломга янги кирган бўлмаганларида, Каъбани бузиб ташлаб, сўнг уни Иброҳим алайҳиссалом қурган кўринишида қурадм”,** дедилар.

Ҳадисдан Набий алайҳиссаломнинг Каъбани бузиб, уни Иброҳим алайҳиссалом қурган кўринишга қайтаришни истаганларини тушунамиз. Лекин бу иш мусулмонлар орасида фитна пайдо қилишидан кўрққанлар. Чунки улар исломларининг аввалида эдилар. Демак, мусулмон зарари ҳам, фойдаси ҳам бор бирор ишга дуч келса, улардан фойдаси кўпроқ, зарари озроғини танлаши керак».

Бир куни Валид ибн Абдулмаликнинг элчиси келиб Қосим ибн Муҳаммадга деди:

— Халифа муҳим иш борасида фикр юритяпти. Мусулмонлар омаси бу ишни қабул қилмаслигидан кўрқмоқда. Шу сабаб сизнинг розилигингиз, қўллаб-қувватлашингизга эҳтиёжи бор.

Халифа Масжиди Набавийни кенгайтирмоқчи. Бу нараса қиблани Расулulloх алайҳиссалом даврларидаги ўрнидан узоқроққа кўчириш, яна мўминлар оналарининг хужраларини бузиб, сўнг уларни масжид ташқарисига қайта қуришга эҳтиёж сезади.

— Қиблани кўчириб, хужраларни бузиш?!

— Қосим жаноблари, бу ишларни қилмасдан масжидни кенгайтириб бўлмаслиги сизга маълум. Кўп мусулмонлар сизнинг фикрингизга суянадилар ва фатвоингиз билан иш кўрадилар.

Одамлар:

— Бу иш бизда ҳайрат ва норизоликни келтириб чиқармоқда. Қандай қилиб масжидини қайтадан барпо қиламиз. Ахир ўзингиз Расу-

луллох алайҳиссаломни Каъбани бузиб, асл ҳолатига қайтаришдан бош тортганларини айтган эдингиз-ку? — дейишди.

— Иш сизга айтганим билан мувофиқ келмайди. У вақтлар мусулмонлар Исломга янги кирган эдилар. Ҳозир эса, орадан узоқ вақт ўтди. Дин қалбимиз ва онгимизда мустаҳкам ўрнашди. Масжидни бузиб, ўша заҳоти қайта қуриб кенгайтирамиз. Кўряпсизлар, йилдан-йилга мусулмонлар сони кўпайиб бормоқда. Улар масжидга қандай қилиб кирадилар, намоз ўқийдилар, Расули акрамга салом йўллайдилар? Ахир ададлари юз мингга етган бўлса. Масжид эса ўша-ўша, кичик. Аллоҳга қасам, бу ишда мусулмонларга жуда катта яхшилик борлигини кўрмоқдаман. Мана уйим. Уни бузиб, масжидни кенгайтиришга биринчилардан бўлиб хисса қўшаман.

Шу тариқа Масжиди Набавийни кенгайтириш ишлари икки йилдан кўпроқ давом этди. Бу вақт оралиғида Қосим кундузлари қурувчилик қилиб, кечқурунлари таълим берди.

Орадан вақт ўтди. Қосим раҳимахуллохнинг ўлим соати яқинлашганда, охирги сўзлари бундай бўлди:

— Бобом Абу Бакр Сиддиқ сингари мени ўз кийимимга кафанланг.

Дунё менга бир нарсани ўргатди: кўпинча Аллоҳнинг бергани — бермагани, бермагани — бергани бўлар экан. Яъни, Аллоҳ таоло бир эшикни фақат бошқасини очиш учун беркитади. Онам форс маликаси эди. У мусулмонлар кўлига асир тушди. Аллоҳ таоло уни мулки ва шон-шавкатидан айирди. Лекин қўлидан

чиқарганлари Исломга кириши, Расулulloх алайҳиссаломнинг дўстлари ва мусулмонлар халифасининг ўғлига турмушга чиқишига сабаб бўлди. Ота-онам шаҳид бўлишди. Аллоҳ таоло уларни мендан олди. Лекин мана шу айрилиқ менинг Мадинага қайтишим ва Ойша онамизнинг қўлида, Набий алайҳиссаломнинг уйларида илм олишимга сабаб бўлди. Аллоҳга қасам, мен бирор-бир ризқ эшигини тақиллатсам, у юзимга беркилди. Лекин бунинг эвазига Аллоҳ таоло менга илмининг барча эшикларини очди. Агар одамлар ман этилишда қанчалик ҳикматли сирлар борлигини билишганида, эвазига олинадиган нарсаларнинг завку шавқидан яйрашар эди.

Музаффар РАҲМОНОВ,
Навоий вилояти “Хўжа Сабр ота”
жоме масжиди имом-хатиби.



Музаффар Раҳмонов 1973 йили Хатирчи туманида туғилган. 1995 йилда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини таомлаган. Турли йилларда Навоий вилоятидаги масжидларда имом-хатиб бўлиб ишлаган.

2021 йилдан Кармана туманидаги “Хўжа Сабр ота” жоме масжиди имом-хатиби.

Ислом ва атроф-муҳит

Сув Аллоҳ таолонинг бутун борлиққа, хусусан, инсон зотида инъом этган энг улуғ неъматларидан. Дарҳақиқат, Ер юзидаги ҳаётни сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: **«...ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганмиз»** (Анбиё сураси, 30-оят), **«Аллоҳ ҳамма жониворни сувдан яратди»** (Нур сураси, 45-оят).

Англаш мумкинки, жонли борлиқнинг асли ҳам, таркиби ҳам сувдир. Олимларнинг таъкидлашича, сув инсон жисмининг 76 фоизини ташкил этади. Шунингдек, бошқа тирик жонотларнинг ҳам асосий унсури сувдан иборат. Наботот олами ҳам усиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бир килограмм қанд ишлаб чиқариш учун минг литр, бир килограмм буғдой етиштириш учун эса бир ярим минг литр сув ишлатилади. Худди шу ҳол

Сувнинг уволидан қўрқайлик

саноатда ҳам кузатилади. Масалан, бир килограмм пўлат ишлаб чиқариш учун тўрт литр сув зарур ва ҳоказо.

Динимиз сувни зое ва ифлос қилмасликка буюради. Имом Бухорий Анас розияллоху анҳудан ривоят қилади: **“Набий соллаллоху алайҳи ва саллам бир соъ (≈2.7 литр)дан беш муддгача (бўлган сув) билан ғул қилар эдилар ва бир мудд (≈0.688 литр) билан таҳорат қилар эдилар”**. Бу барча нарсаларда бўлгани каби, сувни тежашда ҳам Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ўрнак олишимиз лозимлигини англатади.

Имом Аҳмад Абдуллох ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилади: **«Набий соллаллоху алайҳи ва саллам таҳорат қилаётган Саъднинг ёнидан ўтаётиб: “Бу қандоқ исрофгарчилик, эй Саъд?”** дедилар. “Таҳоратда ҳам исроф бўладими?” деди у. **“Ҳа, ҳатто**

оқиб турган дарёда бўлсанг ҳам”, дедилар у зот».

Маълумки, ғул ва таҳорат мусулмон бандаларга фарз амаллардир. Ушбу амалларда исроф жоиз бўлмагач, бошқа ишларда, албатта, мумкин эмас. Аммо ҳаётга назар солсак, тамоман тескари ҳолатни — сувни тежаш ўрнига унинг ҳаддан ташқари исроф қилинаётганини кўрамиз. Боз устига, ариқ ва зовурларга ахлат ва чиқинди сувлар ташланиб, Аллоҳ неъмат қилиб берган покиза табиатни булғаш улкан гуноҳ экани унутиб қўйилмоқда.

Шу боис, фарзандларимизга ёшлик чоғларидан уволдан қўрқиш тушунчасини синдириш мақсадга мувофиқдир.

Жаъфархон СЎФИЕВ,
Тўрақўрғон тумани “Исҳоқхон тўра” жоме
масжиди имом-хатиби.



Жаъфархон Сўфиев 1982 йили Наманганда туғилган. Наманган шаҳридаги “Мулла Қирғиз” (ҳозирги “Ҳидоя”) мадрасасида таҳсил олган. 2022 йилдан буён “Исҳоқхон тўра” жоме масжиди имом-хатибидир.

Мадинада тут эккан боғбон

Ораминда яхши инсонлар кўп. Улар эзгу амаллари, насиҳатлари ва бошқа қатор хислатлари билан умр бўйи одамларга наф келтирадilar. Масалан, дарахт экиб, жами жонзотга ва заминга ҳам меҳр-эҳтиром, хайр-саховат кўрсатаётган кишилар борки, уларнинг ибратли ҳаёти барчага ўрнакдир. Шулардан бири Бухоронинг Шехонча қишлоғилик Ҳакимжон Аслоновдир.

Бухоро нафақат нилий гумбаз ва миноралари, балки энг тотли тутлари билан ҳам машҳур. Воҳанинг ушбу муаззам гўшасида қадимдан балхитут, шохтут ва марварид каби тут навлари етиштириб келинади. Бу ҳақда манбаларда баён этилган. Ҳозирги кунда ҳам Бухоронинг олис қишлоқларини кезсангиз, кучоққа сиғмайдиган балхитутларга гувоҳ бўласиз. Афсуски, иқлим ўзгаришлари, экологик фожиалар авлиётларга ҳам зиён етказиб, уларнинг сони камайишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу ҳолатлар боғбон Ҳакимжон Аслоновни кўп йиллардан бери ташвишлантириб келади. Шу боис у уй шароитида тут кўчатларини пайвандлаб, кўпайтиришни йўлга қўйди.

— Балхитутни пайвандлашни бундан ўттиз йилча бурун кўшним ва устозим Шамсиддин бобо Узоқовдан ўрганганман, — дейди боғбон Ҳ. Аслонов. — Шамсиддин бобонинг дунёдан ўтиб кетганига анча йиллар бўлди, лекин у инсоннинг ўргатган хунари ҳали-ҳануз одамларга фойда келтирмоқда.

Дарвоқе, Ҳакимжон боғбон узоқ йиллардан бери ўзи ташаббус кўрсатиб, Бухородаги ҳар бир табаррук манзиллар ҳамда зиёратгоҳлар ҳовлисида балхитутни экиб, кўпайтириб келмоқда. Ромитан туманидаги Хўжа Заъфарон

қадамжосига кираверишингиз билан дарҳол тут дарахтларига кўзингиз тушади. Бу тутларни Ҳакимжон ака эккан. Дарахтлар ҳосил ҳам бермоқда. Хўжа Уббон зиёратгоҳига ҳам Ҳакимжон ака олтиш туп шифобахш тут кўчатлари қадаган. Бугун улар баравж ўсмоқда. Боғбоннинг яна бир яхши одати борки, дарахтлар токи қаддини ростлаб, ривож олиб кетмагунича улар ҳолидан хабар олиб тураверади. Дастлаб, кўчат тагига маҳаллий ўғит солади, намлайди, соябонлар тутади, хуллас, меҳр кўрсатади. Қарабсизки, ниҳоллар тез орада кўкка бўй чўза бошлайди.

Шехончалик боғбон юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам савобли ишларини давом эттирмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидаги Султон Увайс Қараний, Сурхондарёдаги Ҳаким ат-Термизий, Исо Термизий, Султон Содот мажмуаси, Хўжайи Пок қадамжоси, Қашқадарё вилоятидаги Абдуллоҳ Ибн Муборак, Абу Муин Насафий, Ҳазрати Башир сингари табаррук масканларда ҳам балхитутларни ўстирган. Бундан қарангки, жорий йил умра сафарига отланган боғбон ўз томорқасида етиштирган тўрт туп балхитутни Мадинадаги хурмозорлар қабатига ҳам экиб қайтди. Умра зиёратига бориб-келадиган таниш-билиш ҳамда маҳалладошларининг айтишларича, тут кўчатларининг ҳаммаси униб, анча ўсиб қолган. Ҳадемай ҳосилга ҳам кираркан.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай марҳамат қилганлар: **“Агар қиёмат бўлиб қолса ва бирон тангизнинг кўлида хурмо кўчати бўлса, бас, уни экиб олсин”** (Имом Аҳмад ривояти).

Қиёмат бошланса, ҳаммаёқ

остин-устун бўлиб кетиши табиий, лекин Расулимиз алайҳиссалом: **“Кўчат экишни тугаллаб қўйинг”**, демоқдалар.

Ушбу ҳақиқатни тўғри англаган Ҳакимжон Аслонов савобли амалларини янада кўпайтирди. Ҳозирги кунда тумандаги умумий ўрта таълим мактаблари ҳовлисида ҳам балхитут боғларини яратишга бел боғлаган. Бир неча йил аввал Бухоро туманидаги 17-мактабда асос солган боғ эса аллақачон ҳосил бера бошлаган.

Ҳамид ҒОҒУРОВ,

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси



Масала

5-бетда

САВОЛ: Тўрт ракатли намознинг аввалги қаъдасига ўтирмай, учинчи ракатга туриб кетган киши қайтиб қаъдага ўтирса, намози дуруст бўладими?

ЖАВОБ: Тўрт ракатли фарз намозларда аввалги қаъда вожибдир. Агар билмасдан учинчи ракатга туриб кетса, қайтиб ўтирмайди ва намоз охирида саждаи саҳв қилади. Агар фарз намозларда илк қадага ўтирмай, туриб кетган киши қайтиб ўтирса, намози бузилади.

Нафл намозларда аввалги қаъдага ўтирмасдан туриб кетган бўлса, ҳали кейинги ракатнинг саждасини қилмаган бўлса, қайта ўтиради ва ташаҳхудни ўқийди. Кейинги ракатдан яна намозини тўлиқ давом эттиради ва намозини саждаи саҳв билан якунлайди.

САВОЛ: Умрага эҳром боғлаган киши тавофнинг битта айланишини тарк қилса, нима қилиши керак?

ЖАВОБ: Тавофнинг камроқ (битта, иккита ёки учта, яъни, ярмидан кам) айланишини тарк қилиб, умрасини тугатса ва эҳромдан чиқиб кетса, умраси дуруст бўлади. Лекин тавофнинг кам қисмини тарк қилгани сабабли кўй сўйиши вожиб. Лекин мийқотлардан чиқиб кетмаган бўлса ва ўша тарк қилган кам қисмини адо этиб тўлдирса, кўй сўйиш соқит бўлади (**“Ал-Маслакул-мутақассит фил-мансакил-мутаваассит”**, Мулла Али ал-Қори).

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

Руқия

Кўздан ҳимояланинг!

Кўз тегиши ва ёмон назарлардан эҳтиёт бўлиш зарур. Кўплаб китобларда кўз тегиши ҳамда унинг зарарлари оқибатида келиб чиқувчи руҳий касаллик белгилари келтирилади.

Бундай беморлар уйқусизликдан туни бўйи у ёндан-бу ёнга ағдарилиб чиқади. Баъзилари ухлаётганида тишларини ғижирлатади. Ёки ўрнидан туриб, хонани айланиши, ҳатто ташқарига чиқиши мумкин, лекин ўзи бундан беҳабар бўлади. Уйку пайтида йиғлайди ёки кулади.

Шунингдек, алмойи-жалмойи тушлар кўради. Тушида гапиради,

баъзан йиғлайди. Балангликдан пастга тушиб кетаётган бўлади. Тушида қабристон ва ўликларни кўриб, у ерда юради, кўрқинчли жойларни кезади.

Уйғоқ ҳолатида эса, боши оғрийди. Уйда ўтиргиси келмай, кўчага чиқишга, яқинларидан узоқлашишга ҳаракат қилади. Сабабсиз тахикардия, яъни бирор жисмоний ҳаракат ё зўриқишсиз юрак уриши кучаяди, юраги ғамли тарзда безовта бўлаверади.

Галлюцинациялар кузатилади – кўзига шарпа кўрингандек бўлади, кимдир қичқираётганга ўхшайди,

қадам товушларини эшитаётгандек туюлаверади. Ибодатларга бепарво ва лоқайд бўлиб қолади. Бироз хотирани йўқотиши, васвасали фикрлар миясига келиши ҳам мумкин. Сабабсиз ғазабланади.

Албатта, буларни ўқиб ваҳимага тушмаслик керак. Ушбу белгилар чарчоқ, нотўғри овқатланиш ёки нокулай муҳит сабаб ҳам кузатилиши мумкин. Беморда уларнинг бир нечаси тез-тез кўзга ташланса ва ўзини ноодатий тутаётган бўлса, демак, унга кўз теккан бўлади.

Кўз теккан одамга Қуръон оятлари – Фотиҳа, Бақара сурасининг

дастлабки 5 ояти, Оятул Курсий (охирги 2 ояти), Таквир, Кафирун, Ихлос, Фалақ ва Нос сураларини ўқиб, дам солинса, у хасталикдан тuzалади. Албатта, ҳар бир мўмин банда доимий равишда Аллоҳни зикр қилиши, таҳоратли юриши, намоз ўқиши, эрталаб ва кечкурун юқоридаги оятларни ўқиб, ўзига ва аҳлига дам солиб юриши лозим. Турли жисмоний ва руҳий зарарлардан ҳимояланишнинг энг тўғри йўли – шу.

Шермуҳаммад БОЛТАЕВ,
Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани “Ўтовли Эшон” жоме масжиди имом-хатиби

Газетхон илҳами

Ҳали ҳам ўзимни
қилмадим ислоҳ...

Ўзимни англадим, ўзини таниб,
Бу дунё фонийдир, севги асрийдир.
Ёмғирлар сўрадим, ўртаниб-ёниб,
Кўз ёшлари ёғди Ҳасан Басрийнинг...

Ўзимни йўқотдим бир ҳол ичинда,
Жунуний изтироб, равзаи озор.
Руҳингни тобла деб ишқнинг кучида,
Маломат қил, дерди пир Ҳамдун Қассор.

Тўрт томоним ёғди, ҳар ён ёруғлик,
Сархушман, самонинг ишқида ёдим.
Ишқда ҳушёр бўлгил, уйғоқ бўл дея,
Овоз берар эди Жунайд Бағдодий...

Йўлларим ишқ билан яшилланарди,
Даврага чорларди “Зикри даврон” и.
Руҳимга сабрдан дарс берар эди
Шайх ул Абдулқодир Жилоний.

Очиларди бир-бир самовий сирлар,
Дунёни танирдим янада кўпроқ.
Кўзларим қамашди ёғилиб нурлар,
Бир назар қилганди Нажмиддин Кубро.

Узилиб боряпман ўзимдан-ўзим,
Осмоним ям-яшил, бир гўзал мовий.
Тасбеҳга айланди энди ҳар сўзим,
Дуолар қилганди Аҳмад Яссавий...

* * *

Боғландим орзулар занжирларига,
Керагидан ортиқ қўйиб эҳтирос.
Ишқ борми кўнглимда, умримда менинг –
Мен билмай кимларга қиялман ихлос?..

Хавасландим, дилда жўш урди туғён,
Кучайди нафсимнинг шамоллари ҳам.
Қалбимда ғалаён, руҳимда исён,
Маъюсман, маҳзунман шу қадар мубҳам...

Туйғулар тўфондек тошади тинмай,
Ташибеҳлар, шеърларим сўз ўғирмаси.
Наҳот, ўз-ўзимга келдим бўйсунмай,
Энди мендан аслим юз ўғирмасми?

Ҳар бир дақиқамни сўзларга ёздим,
Ҳар ўтган кунимни айладим китоб.
Қайғу-шодлигимни ҳисоб қилдим-у,
Ҳали ҳам ўзимни қилмадим ислоҳ.

Билдимки, англадим бариси сароб,
Бариси дунёвий, ўткинчи дардим...
Ишқдан лофлар урган кўнгил ҳам хароб,
Ишқнинг тунларини ухлаб ўтказдим...

Алданиб алдамчи хаёлларимга,
Бесамар ўтди-ку баҳору ёзлар.
Муаззинлар азон чақирганида
Зийракликда мендан ўзди хўрозлар...



Жаҳонгир НОМОЗОВ,

Наманган вилояти, Поп тумани.

Ҳаромдан сақланиш – фарз...

Иброҳим ибн Адҳам раҳимаҳуллоҳ айтади:

● Илмни амал учун ўрганишлар. Аксар одамлар илмлари тоғдек, амаллари заррадек бўлиб қолиб, янглишади.

● Эй ғийбатчи, дўстларингга дунёинг билан бахиллик қилдинг, душманларингга охиратинг билан саҳийлик қилдинг. Сен бахиллик қилган ўрнингда кечирилмайсан, саҳийлик қилган ўрнингда мақталмайсан.

● Зоҳидлик учун ҳаромдан сақланиш – фарз, шубҳадан сақланиш – саломатлик, ҳалолдан сақланиш – фазилат.

● Кимки тавбаси қабул бўлишини истаса, зулм қилишдан

сақлансин, одамларнинг ишларига аралашишни тарк этсин. Мана шу иккисига амал қилса, муродига етади.

● Қалбингизни Аллоҳдан қўрқув ила, вужудингизни ибодат ила машғул қилинг.

● Юзингизни ҳаё, тилингизни Аллоҳ зикри билан зийнатланг, кўзингизни ҳаромдан сақланг. Дунё муҳаббатидан узоқ бўлинг, чунки дунё севгиси инсонни кўр ва кар қилиб қўяди.

● Севгилиси яхши кўрмаган нарсани яхши кўриб, яна ошиқман дейиш шунчаки пуч даъводан бошқа нарса эмас.

● Аллоҳ таоло дунёни хор кўрди, биз эса, уни мақтаб оворамиз. Аллоҳ таоло дунёга муҳаббатдан қайтарди, биз эса, ҳамон уни севиш билан машғулмиз.

● Тўрт сабаб билан қалбга парда тушади: Аллоҳ таоло тақиқлаган нарсаларни севиш; дунёга муҳаббат қўйиб, унга майл кўрсатиш; бефойда нарсалар билан машғул бўлиш ва охират ҳаёти учун амал қилишни тарк этиш.



Нигора МИРЗАЕВА

тайёрлади.

Ибратли ҳикоя

Сирли тўшак

Бир куни эрталаб отам мени йўқлади. Дарҳол етиб бордим.

– Ассалому алайкум! Отажон, аҳволингиз яхшими? Кўз тегмасин, бугун анча тетиксиз! Мени сўроқлаган экансиз, – дедим отамнинг жиддий юзига тикилиб.

– Мана бу ерга ўтир, ўғлим. Гапимга кулоқ сол, сенга айтиладиган бир-иккита сўзларим ва тайинлайдиган баъзи ишларим бор. Энди пайти келди, шуларни айтиб олишим керак. Мен ҳозир илгаригидек эмасман. Кўриб турибсан, ётиб ҳам қолдим. Кун сайин куч-қувватдан қоляпман. Гапиришга ҳам мажолим йўқ, – дея хўрсинди отам.

Отамнинг юзи қонсиз, икки чаккаси ичига ботган, узоқ дард чекканидан жуда ҳолдан тойган эди. Овози базўр чиқарди. Отамнинг ёнига ўтиргач, қўлидан аста ушладим.

– Болам, ҳеч кимни бу дунёга боғлаб қўйгани йўқ. Худонинг менга берган умридан розиман. Зухдга амал қилдим. Ҳашаматли уй курмадим, данғиллама ҳовли, машина, ер-мулк сотиб олмадим. Ҳеч кимдан қарзим ҳам йўқ. Умримда ҳеч ёлғон гапирмадим... Ўзимни гуноҳ ишлардан сақладим. Рўзғорни ҳалоллик билан тебратдим. Шукр, ҳеч оч

қолмадик. Бир умр яхшиликка интилиб яшадим. Аллоҳга шукр, сендай солиҳ фарзандни берди. Ишинг бошингдан ошиб ётган бўлса ҳам, касалманд отангга парвона бўлдинг, кечалари мижжа қоқмай бошимда ўтирдинг. Дори-дармон қилдинг.

Отамнинг гапларидан ичим музлай бошлади. Кўнглимда алланечук хавотир ўрмалади.

– Сендан Аллоҳ рози бўлсин! – дея йиғиб қўйган пул халтасини қўлимга бериб, тайинлади: – Мен қабрга қўйилаётганимда мана бу тагимдаги тўшак билан бирга кўмиш эсингдан чиқмасин! – дея ишора қилди ётган тўшагини силаб. – Бунинг устида нақд йигирма йил ётдим. Аллоҳнинг зикрини тилдан туширмасдан шу ҳолимда тоат-ибодат билан машғул бўлдим. Аллоҳ сабрлилар билан биргадир. Сенга айтмоқчи бўлганим шулар эди. Энди биз бир-биримизни яхши тушуниб олган бўлсак керак. Мени эшик-деразаси йўқ янги уй ўзига чорляпти.

Тақдир экан, отам тонг-отарда омонатини Эгасига топширди.

Пешингача жанозаси ўқилиб, мазорга олиб борилди.

Сўнг васиятга кўра тўшакни йиғлаб имомга кўрсатиб, отамнинг гапларини айтдим.

– Худо сизга сабри жамил берсин, ўғлим. Афсус, аччиқ ва оғир бўлса-да, ҳақиқатни айтишим керак. Ўлим ҳақ, ўткинчи дунёда ҳаммамиз омонатмиз... Фоний дунёдан, боқий дунёга сафар қилувчига дунё матоҳи керак эмас! Отангиз зоҳид, дониш одам эди... Бу гапи билан чин дунёга ҳатто тўшакни ҳам олиб кетолмаслигини билдирмоқчи бўлган. Маъноси шуки, инсон ҳалоллик ва ҳаракат билан кўп неъматларга эришади. Аммо ҳаммаси ер юзида қолади. Аллоҳ отангиздан рози бўлсин. Жойлари жаннат боғларида бўлсин! Аллоҳ раҳматига олсин! – дея дуо қилди имом.

Имомнинг қисқа маърузасидан кўпчилик қаттиқ таъсирланиб, маъюс тортди. Тошдек қотиб қолдим, тилимга сўз ҳам келмас, йиғлаёлмас эдим.

– Маҳшарда кўришгунча, отажон! – дея уйга эски тўшакни олиб қайтар эканман, то ўлгунча отам каби инсон бўлиб яшашга ич-ичимдан аҳд қилдим.



Фазлиддин АБДУНАЗАРОВ,

Қува тумани

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari
idori "Shamsuddinxon
Boboxonov" NMIUBosh direktor: Sultonbek
IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir:
Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV
Sodiq TOSHOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent–100069, Zarqaynar
18-berkk'o'cha, 47-a uy.(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru

www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:

To'lqin SHERNAYEV

Musahhiha:

Zabo OMONOVA

Sahifalovchi:

Komiljon MAHMUDOV

Eksperitizaga berildi:

16.08.2023

Xulosa (№03-07/6706) olindi:

21.08.2023

"SHAMSUDDINXON
BOBOXONOV" NMIU

bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.650

227/15-buyurtma.

Bosmaxona manzili:

Toshkent shahri, Zarqaynar

18-berkk'o'cha, 47-a uy.

Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ножиоз жойларга қўйманг!The newspaper contains ayahs and
hadiths. Please, do not put it
in inappropriate places!في الجريدة آيات وأحاديث.
لا تضعوها في مكان غير مناسب!Газета содержит аяты и хадисы. Не
оставляйте в неподходящих местах!